

ХОРАЗМНИ ЯНГИ ТАМАДДУНГА БОШЛАГАН ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига 1-2 май кунларидаги ташрифи ҳудуд тараққиётида янги саҳифалар очмоқда



1

Хоразм – улкан цивилизация бешиги. Шу боис дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар оқими қишин-ёзин тўхтамайди. Лекин сайёҳларнинг илк таассуроти аэропортдан бошланади. Шу маънода Урганч халқаро аэропорти жиддий ислохотларга муҳтож. Соатига 400 нафар йўловчи Хоразмдек салоҳияти банд минтақанинг эҳтиёжларига жавоб берадиган рақам эмас.

Президент Хоразмга қадам қўйиши билан ана шу муаммага эътибор қаратди. Зеро, туристик бозорда рақобат кучаяётган, ҳар бир мамлакат ўзининг энг яхши жиҳатларини намойён этаётган бир шароитда Урганчнинг транспорт логистикасини, айниқса, аэропорт инфратузилмасини янгилаш нафақат иқтисодий, балки имижни белгиловчи масала ҳамдир. Шу мақсадда ўтказилган халқаро тендерда Франция, Туркия, Корея ва Қатар каби ривожланган давлатлардан компаниялар иштирок этганди. Ғолиб деб топилган Кореянинг Incheon International Airport Corporation компанияси нафақат йирик аэропортлар қаторида, балки юқори сервис маданияти бўйича ҳам етакчилардан бири саналади. Ташриф чоғида давлат раҳбарига лойиҳанинг бориши ҳақида ҳисобот берилди.

– Хоразмда кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш ва савдо марказлари барпо этилган. Келажақда сайёҳлар оқими 5 миллионга етказишни мақсад қилганмиз. Буни аэропорт билан ҳаммаҳал қилсак, ўзаро манфаатли бўлади, даромад кўпаяди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги глобал дунёда аэропорт фақат учиб-қўниш майдони эмас, балки маданий элчиона, мамлакат юзи, технологиялар маркази ҳисобланади. Урганч аэропорти ҳам энди айнан шундай ўлчовларга мос равишда қайта қурилади: соатига 1300 нафар йўловчига хизмат кўрсата оладиган янги терминал, Boeing 747 ва Airbus A350 каби йирик самолётларни қабул қилиш имконияти пайдо бўлади.

2

Урганч халқаро аэропорти яқинида Мухаммад ал-Хоразмий номи билан аталган шаҳарча бунёд этилмоқда. Бу нафақат шаҳарсозлик, балки миллий руҳ, эҳтиром ва стратегик келажакни бирлаштирган лойиҳадир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йилда шаҳарча пойдеворида тамал тоши қўяр экан, бу лойиҳага шунчаки уй-жой масаласи сифатида эмас, балки келажакдаги интеллектуал ҳудуд сифатида ёндашилганини таъкидлаган эди.

Бугунгача 72 та кўпқаватли уй қурилиб, 1 773 та хонадон аҳоли ихтиёрига топширилди. Бу йил 1000 хонадонли яна 28 та тураржой қурилиши белгиланган. Келажакда шаҳарчадаги хонадонлар сони 5 мингдан ортади. Бу оддий рақамлар эмас – улар ортида юзлаб оилалар учун барқарор ҳаёт, келажакка ишонч мужжасам.

Шаҳарча марказида Мухаммад ал-Хоразмий ҳайкали ўрнатилди. 22 метр баландликда, пойдевори билан 30 метрдан зиёд бўладиган монумент билим ва зиёниг умрбоқийлигини акс эттиради. Ҳайкал 20 гектарлик боғнинг марказий қисмида жойлашади. Бу боғ – шаҳарча нафас оладиган «ўпка» вазифасини ўтайди. Бу ерда инсон табиати, тарих ва илм уйғунлигини ҳис қилади.

Шаҳарчада, шунингдек, ал-Хоразмий университети янгидан ташкил этилади. Мазкур университетда математика, информатика, аэрокосмик муҳандислик ва сунъий интеллект билан боғлиқ соҳалар бўйича мутахассислар етиштирилади.

Ушбу таълим дароҳининг ўзига хослиги шундаки, ўқув жараёнлари Янги Ўзбекистон университети модели асосида, БАА, Хитой ва Буюк Британия университетлари билан ҳамкорликда ташкил этилади. Шу билан бирга, шаҳарча ҳудудида Тошкентдаги Мухаммад ал-Хоразмий мактаби филиали ҳам иш бошлайди. Мактабга болалар 5-синфдан қабул қилинади. Таълимнинг охириги икки йили муҳандислик йўналишига ихтисослашади. Бу тизим фанга иштиёқи банд, замонавий дунёқарашга эга ёшлар учун имконият эшигини очади.

3

Хонқалиқлар учун хунар нафақат тирикчилик воситаси, балки урф-одат, отамерос қадриятдир. Бу хунарни индустрияга айлантираётган янги санаот зонаси тўғрисида Хонқанда ҳақиқий иқтисодий ўсиш кузатишмоқда.

Хонқа туманида мебель ишлаб чиқариш аъёнаси бор. 140 дан зиёд тадбиркор, 500 дан ортқ хонадонда кичик устaxonалар фаолият юритади. Лекин шароитлари чекланган, ускуналар эски, бозор етарлича ташкил қилинма-

ган эди. Энди барчаси ўзгарди – 10 гектар ерда замонавий кичик санаот зонаси барпо этилди. Бу ерда 61 та корхона фаолият бошлади, 650 киши иш билан таъминланди. Санаот зонасида Германия, Италия, Швейцария, Туркия ва Хитой технологиялари асосида ишлайдиган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Бу ишлаб чиқарилаётган мебель сифатини жаҳон андозаларига мослаштиришга хизмат қилади.

Йилга 108 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилган. Бу – офислардан тортиб меҳмонхоналаргача, ижтимоий объектлардан тортиб рестороноларгача етарли мебель ишлаб чиқариш имконини беради.

Усталар билан мулоқотда Президент мебель сифати, ёшлар малакаси ва замонавий стандартлар ҳақида фикр юритади.

Санаот зонаси маҳаллий бозор билангина чекланмайди. 3 миллион долларлик экспорт режалаштирилган. Дарвоқе, санаот зонасида барча корхоналар қўш панеллари билан жиҳозланган. Бу нафақат иқтисодий самара, балки экологик масъулиятнинг ҳам кўрсаткичидир. Мебель санаотида «яшил энергия» глобал трендга айланиб бораётган. Хонқа бу соҳада ҳам замонавий ёндашушни қўлламоқда.

4

Хоразм вилоятида сўнгги йилларда транспорт соҳасида кўзга қўринарли ислохотлар амалга оширилди.

«Ishonch» мухлислари яхши эслашса керак. Бундан икки-уч йил аввал қўлфлор «Ақлли бекатлар», дуч келган жойда тўхтайдиган автобуслар, уларда терминаллар йўқлиги, қишда совуқ, ёзда иссиқлиги ҳақида бир неча танқидий мақолалар ёзганмиз. Мақолаларда айтилган муаммолар энди ўтмишга айланди.

Авалроқ Урганчда жамоат транспортини фойдаланиш даражаси 20 фоиздан ошмаган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 38 фоизга етди. Кам таъминланган оилалар, талабалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун жамоат транспорти муҳим аҳамиятга эга. Янги автобусларнинг таги пастлиги, Wi-Fi, кузатув камералари ва ҳаво тазалаш тизимлари мавжудлиги ҳам инсонларга муносиб шароит яратилганини исботлайди.

Авалги автобуслар кунига 200-300 кишига хизмат қилган бўлса, янги автобуслар ҳар кун 1 000 нафар йўловчини ташшига қодир. Натижада шаҳар йўлларидидаги тирбандлик ҳам сезиларли даражада камайди.

Қатнов интервали икки баробарга қисқартирилиб, автобусларнинг 5-12 дақиқа оралиғида келиши таъминланди. Вақт энг қиммат ресурс эканини ҳисобга олсак, бу ўзгариш аҳолининг турмуш сифатига жуда катта таъсир кўрсатмоқда.

Транспорт тизимини янги техникалар билан бойитиш етарли эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳайдовчилар малакасини ошириш, техник хизмат сифатини яхшилаш зарур. Янги автобуслардан узоқ йиллар самарали фойдаланиш учун, аввало, уларга хизмат кўрсата оладиган соҳа мутахассислари керак бўлади.

Шу мақсадда ҳайдовчилар учун ўқув курслари, сервис марказларини кўпайтириш, хавфсизлик ва маданият бўйича семинарлар ташкил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

«Бунёд йўловчи ташиш» корхонаси томонидан 8 миллион долларга яқин маблағ эвазига 80 та замонавий автобус олиб келинмоқда. Улардан 50 таси шундай фаолият бошлаган бўлса, яқин вақтда яна 30 та автобуснинг йўналишларга чиқиши режалаштирилган.

Шу тариқа нафақат Урганч, балки бошқа туман ва шаҳарлар ҳам жамоат транспорти билан тўлиқ қамраб олинади. Бу ҳудудларо интеграция, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар учун янги имконият яратяди.

5

Хива нафақат Ичан Қалъа, балки яна бир юз сак мажмуа – «Арда Хива» билан ҳам жаҳонга юз тутмоқда. 25 гектар шўрхор ерда бунёд этилган «Арда Хива» мажмуаси йилга 3 миллион нафар сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга. Шу сабабли ҳам у ҳаққи равишда Хоразмнинг иккинчи «ташир қоғози» сифатида эътироз этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Хоразм дунё цивилизацияси ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ гавҳаридир». Энди эса бу маънавий ва тарихий мерос замонавий технология, архитектура, тадбиркорлик ва меҳмонхона бизнеси билан янада бойитилмоқда.

100 тага яқин туристик йўналиш, 20 та меҳмонхона, аквапарк, амфитеатр, хунармандлар уйлари ва қайиқда сайр имконияти – буларнинг барчаси «Арда Хива»ни Хоразмдаги энг таниқли туристик масканлардан бирига айлантиради.

Хоразмда амалга оширилган ишлаб «Арда Хива» билан чекланиб қолмаган. Хива туманида «Сахро юлдузи» номи янги туристик шаҳарча, Тупроққалъада сафари ва ов туризми, Ғазовот, Полвон ва Шовот каналлари атрофида 50 миллион долларлик хизмат объектлари, вилоят туманларида туризм қишлоқлари барпо этилаётгани соҳада тизимли, стратегик ёндашув устувор эканини намойён этади.

Шунингдек, «Хоразм – Қорақалпоғистон» туризм ҳалқаси лойиҳаси орқали мамлакатимизнинг икки қадимий маданиятга эга ҳудуди ўзаро янада мустаҳкам боғланади. Бу нафақат сайёҳлар учун, балки халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Президентимизнинг таъбири билан айтганда: «Ҳар қандай ероти бойлиги тугайди, лекин маънавий мерос – тугамайдиган хазина».

6

Урганч туманида Хоразм вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича ўтказилган йилги Президент Шавкат Мирзиёев вилоятнинг янги ислохотларга қадам қўйиш, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Президент табиий ресурслари чеклангани ва логистика занжиридан узоқлигига қарамадан, «кичик ва ўрта бизнес йили» бўлган 2024 йилда Хоразм вилоятида катта ўзга-

ришлар амалга оширилганини таъкидлади. 7 минг нафар янги тадбиркор иш бошлаган, 47 та корхона кичикдан ўртага ўтган ва 1 минг 700 та корхона фаолияти тикланган. Бунинг натижасида вилоятда 290 минг аҳоли иш билан таъминланган.

Бироқ ҳудудда камбағаллик даражаси ҳамон 12 фоизни ташкил этиб, ишсиз 45 минг фуқаро қайд этилган. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун ҳокимлар ва уринбосарлари ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, янги иш ўринлари яратишга, санаот, сервис, туризм, қишлоқ ҳўжалиги ва экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор беришлари кераклиги таъкидланди.

Иқтисодиёт соҳасида Хоразмда 6 фоизлик иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ялли ҳудудий маҳсулотни 60 триллион сўмга ошириш мўлжалланди.

Ижтимоий соҳада 7 минг хонадонли кўпқаватли уйлар қуриш, йўллар ва кўприкларни таъмирлаш, тиббиёт масканлари ва соғломлаштириш жараёнларини ривожлантириш каби мақсадлар режа қилинди.

Умуман, Президент Шавкат Мирзиёев Хоразмдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барча йўналишларида катта ислохотлар, янги лойиҳалар ва инвестициялар орқали минтақани янада ривожлантиришга қаратилган дастурни белгилаб берди.

7

Президентнинг Хоразмга ташрифи қутлган ва қутилмаган воқеаларга бой бўлди. Аэропортда ташрифини ёритишга чоғланган журналистлар билан мулоқот, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги вагонларда воҳа элитаси билан суҳбатлашган ҳолда Хивага ташриф, ёшлар билан суҳбат, ал-Хоразмий номидаги университет илк талабасининг эълон қилиниши, «Урганч кластер»нинг янги корхоналари фаолияти билан танишув, ишчи хотин-қизлар билан суҳбат, Урганч шаҳрида барпо этилган Касбий кўникмалар минтақавий марказини бориб қўриш ва бошқалар. Ушбу воқеаларнинг ҳар бири минглаб инсонлар тақдирини ўзгаришига хизмат қилган бўлса, не ажаб.

Хонқандаги «Собиржон Юсуф» фермер ҳўжалиги раҳбари, 73 ёшли Ойимжон Отажонованинг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими» фахрий унвони билан тақдирланиши бутун Хоразм минтақасининг қишлоқ ҳўжалигидидаги улкан ютуқлари эътирофидир.

Президентнинг «Буюк тарихга, цивилизацияга, маданиятга эга булган Хоразм вилоятини ҳар томонлама раванқ топтириш, унинг шон-шўҳратини дунёга тараннум этиш учун биз битта эмас, унлаб йўлларни излашимиз» деган сўзлари ҳар бир масъулни уйғоқликка, ҳар бир хоразмлик қалбидидаги ишончни мустаҳкамлаб, жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишга ундайди. Умуман, ушбу ташриф Хоразмни янги тамаддунга бошлади, десак муболага бўлмайди.

Мухаббат Тўрабоева
«ISHONCH»



УЛАР ҲАЁТИМИЗНИ ХАТАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛАДИЛАР

ТАДБИР

Ҳар бир касб эгаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни адо этиш орқали жамиятга – сизу бизга хизмат қилиши сир эмас. Айтилик, ҳуқуқ-тартибот посбонлари тинчлик-хотиржамлигимиз учун қайғуришса, шифокорлар соғлиғимизни тиклаш учун ҳаракат қилишади. Касб-хунарлар орасида ҳар бир ташкилот ва корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича вакил аталмиш лавозим эгалари ҳам борки, уларнинг хизматлари осойишталик посбонлари-ю моҳир шифокорларникидан кам эмас. Таъбир жоиз бўлса, ҳаётимизни хавф-хатарлардан ҳимоя қиладилар.

Бу таърифда заррача мулоҳазаси билан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши ҳамда Андижон давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар хавфсиз ва қулай меҳнат шартлари нечоғлиқ зарурат эканлигини яна бир қарра ҳис этдилар.

Давра суҳба-тида сўзга чиққанлар ишдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш наинки ушбу

йўналиш учун масъул этиб тайинланган вакиллар, балки ҳар бир ишчи-ҳодимнинг маънавий бурчи эканини таъкидладилар. Иш берувчиларнинг масалага мунтазам эътибор қаратишлари юзасидан фикрлар алмашдилар.

Тадбирнинг иккинчи қисмида Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги борасида жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. «Энг яхши ташкилот», «Энг яхши касба уюшма кўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» ва «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши ёш мутахассис» номинациялари бўйича корхона, ташкилот ва муассасалар, касба уюшма кўмиталари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ҳамда ёш мутахассислар ғолиб деб топилди, уларга диплом ва эсдалки совғалари топширилди.

Тадбир доирасида Андижон давлат университетининг спорт ва санъат факультети талабалари томонидан мавзуга бағишлаб чизилган расмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ғолиблар кенгаш томонидан муносиб тақдирландилар.

Нурилло НҲЪМОНОВ
«ISHONCH»

Маълумотларга қўра, дунё бўйича ҳар йили 300 миллион одам бахтсиз ҳодисага учрайди. 160 миллион нафар ишчи касб касалликларига йўлиқади. Мазкур рақамларни бугунги кунга таққосласак, бир кунда 8 мингга яқин киши бахтсиз ҳодисага учраб, ҳаётдан кўз юмаркан.

Тасаввур қиляпсизми, рақамли технологиялар асрида, меҳнат муносабатларига сунъий интеллект пешма-пеш кириб келаётган бир даврда шунча инсон билан ҳалокат содир бўляпти. Ушбу статистика меҳнат муҳофазаси нақдари муҳим ва долзарб масала эканини яққол исботлайди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида ташкил этган тадбирда шу ҳақда сўз борди. Унда Федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев, Меҳнат муҳофазаси қилиш бўлими мудири Нодира Ғойибназарова, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Меҳнат муҳофазаси ва меҳнат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш» лойиҳаси раҳбари Милан Петковски, лойиҳа миллий координатори Алишер Хусайнов ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши раҳбарияти, мутахассислари ва бошқалар иштирок этишди.



ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Таъкидланганидек, жамоаларда меҳнат муҳофазаси қилиш ишларига катта эътибор берилмаётгани бежиз эмас. Чунки ҳар бир ҳодим ортида унинг оиласи, яқинларининг тақдирини бор. Бир ишчининг фалокатга учраши бутун оила ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши турган гап. Шунинг учун ҳар бир шахс, аввало, ўзини асраши, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий амал қилиши лозим.

– Технологиялар тез суръатлар билан ривожланаётган даврда яшаймиз, – дейди Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Аббор Турсуналиев. – Бу фақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрса-

тиш соҳаларига эмас, балки ташкилот ва корхоналарда меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ҳодимлар учун хавфсиз шарт-шароитлар яратиш ва назорат қилиш каби йўналишларга ҳам жиддий таъбир кўрсатмоқда. Айниқса, сунъий интеллект ва рақамлаштириш воситалари иш жойида хавфсизликни таъминлашда янги имкониятларни очмоқда.

Йўлнинг асоси Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари тақдирланди.

Амир АҲМЕДОВ

ДАВРА СУҲБАТИ

«Индорама Агро» компанияси замонавий хавфсизлик сиёсати, халқаро стандартлар, илғор технологиялар ва инсон қадриятларига асосланган ёндашув орқали ўз ходимларига соғлом, хавфсиз ва барқарор меҳнат муҳитини таъминлай олган етакчи иш берувчилардан биридир.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши «Меҳнат муҳофазасининг янги босқичи: иш жойида сунъий интеллект ва рақамлаштиришнинг роли» шиори остидаги давра суҳбати учун «Индорама Агро» компаниясининг вилоят филиали Оқолтин туманида жойлашган логистика марказини бежиз танламади. Сунъий интеллект технологияларининг жорий этилиши бу компания фаолиятини янада юқори босқичга олиб чиқди. Шахсий ҳимоя воситалари сарҳисоби тўлиқ рақамлаштирилган тарзда юритилмоқда. Уларнинг ўз вақтида берилиши ва яроқлик мuddатлари устидан автоматик назорат ўрнатилган. Пахта далалари унумдорлигини ошириш учун дориллаш ишлари махсус дронадор орқали амалга оширилмоқда. Улар ёрдамида доимий мониторинг ва оптимал дозада ишлов бериш жараёни йўлга қўйилган. Ҳосил деярли инсон меҳнатисиз, махсус замонавий техникалар орқали йиғиб-териб олинмоқда. Бу эса меҳнат самарадорлигини бир неча баробарга оширди. Ҳудудлардаги омборхоналарда махсусот сарҳисоби рақамлаштирилган платформалар орқали юритилади. Буларнинг бари нафақат аниқ ҳисобот, балки захираларни бошқаришда ҳам юксак аниқлик беради.

– Иш вақтида бахтсиз ҳодисалар юз беришига кўпинча белгиланган қоидаларга риоя қилмаган, меҳнат муҳофазаси йўриқ-

номаси талабларини бузган ишчи-ҳодимнинг ўзи сабабчи бўлади, – деди давра суҳбатини очиб берган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – Меҳнатни муҳофазаси қилиш, хавфсизлик, малака ошириш ва ҳодимлар фаровонлиги билан боғлиқ чора-тадбирларга қарамай, бундай ҳодисалар учраб турибди.

2024 йилда вилоят касба уюшмаларига аъзо ташкилотларда ишлаб чиқариш билан боғлиқ 14 та бахтсиз ҳодиса рўй берган. Кенгаш ходимлари саъй-ҳаракати билан шикастланган ва жабр кўрган фуқароларнинг ўзлари ҳамда оилаларига сугурта компаниялари ва иш берувчилар томонидан тўланиши лозим бўлган 561 миллиондан ортиқ ҳақлари ундириб берилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси бўлим бошлиғи Маҳмуджон Исаев сўнгги йилларда рақамли технологиялар, хусусан, сунъий интеллект меҳнат хавфсизлиги соҳасида янги имкониятлар яратётганига батафсил тўхтади.

– Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида касба уюшмаси аъзолари 26912 нафар, шулардан ишлаётган ҳодимлар 21274 нафарни ташкил қилади, – деди Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Акбар Мирзаханов. – 2024 йили меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича 610

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ



та тадбир ўтказилиб, уларга 41 817 893 850 сўм маблағ сарфланган. Ҳар бир ҳодимга сарфланган маблағ 1 965 681 сўмни ташкил этмоқда. Тизимда хавфсиз, соғлом ва муносиб меҳнат муҳитини яратиш йўлида яна қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бўлим бошлиғи Т.Абдураззоқовнинг сўзлари ҳамма янада хушёр торқтирди. Таъкидланганича, 2024 йил да-

вомида бошқарма тизимида меҳнат билан боғлиқ 55 та бахтсиз ҳодиса махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилган. Таҳлилларга қўра, 8 та бахтсиз ҳодисада 9 киши ҳалок бўлган. 46 та ҳолатда турли огирликдаги жароҳатлар қайд этилган.

– Аслида бундай бахтсиз ҳодисаларнинг биттаси ҳам кўп, – деди нотик ўз сўзида.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат

шуқуқ ва техник инспекторлари Ширинхон Умаралиева ҳамда Абдукамол Ҳакимов «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, иш берувчи билан ишчи-ҳодимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касба оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ҳақида тушунчалар бериб ўтишди.

Давра суҳбатида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази ўқитувчиси Баҳодир Абдуқодиров, «Сирдарётумангаз» газ таъминоти бўлими меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз техника бўйича етакчи муҳандиси Зера Сеитжалиева ўз тақлиф-мулоҳазалари билан ўртоқладилар.

Қизгин савол-жавоблар, тақлифлардан сўнг хулоса шу бўлдики, меҳнат муҳофазасини мустаҳкамлаш учун сунъий интеллект ва рақамлаштиришни кенг жорий этиш зарур. Бу орқали бахтсиз ҳодисалар сони кескин камайиши, ҳодимларнинг билими ошиши, назорат ҳамда таҳлил сифати яхшиланишига эришилади.

Тадбир сўнггида «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш» юзасидан республика танловининг вилоят босқичи якуни ғолиблари тақдирланди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Шеробод тумани «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасасининг бир нечта ходими Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашига иш берувчининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, мурожаат йўллашди.

ИШ ХОДИМЛАР ҲАҚИГА ҚАЛ БЎЛДИ

Ўрганиш мобайнида маълум бўлишича, корхона ишчи-хизматчиларига ойлик машоға кўшимча рағбатларнинг маълум қисми тўланмай келинган. Ваҳоланки, Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 6 декабрдаги 252-буйруғига биноан, тизимдаги ходимлар рағбатлантирилиб борилиши керак эди.

Меҳнат кодексининг 252-моддасида рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар жумласига мукофотлар, иш ҳақига кўшимча маблағлар, устамалар ва бошқалар кириши кўрсатилган.

Мурожаатчиларнинг манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро суҳбат даъво-ариза кириптилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан ҳодимлар фойдасига иш берувчидан 18 миллион 736 минг 15 сўм рағбатлантирувчи маблағлар ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

«...Ўз вазифангизни виждонан ва сидқидилдан бажариб, нафақат ишчи-ҳодимларнинг, балки уларнинг оила аъзолари ва фарзандларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилдингиз...».

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига келган навбатдаги миннатдорлик мактубида ана шундай сўзлар битилган.

Гап шундаки, Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ туманида жойлашган «ТСТ Agro Cluster» МЧЖ раҳбарияти 135 нафар ходимнинг бир йиллик маошини бермай келган. Меҳнаткашлар ҳам иш берувчининг ёлгон ваъдаларига ишониб, иш ҳақларини сабр билан кутишган. Аммо пулдан ҳадеганда дарак бўлмаган. Охир-оқибат улар Федерацияга мурожаат йўллашган.

Дарҳақиқат, бир жамоада астойдил, виждонан меҳнат қилсангу, ҳалол ишлаб топган ҳақингни ололмасанг, алам қилади. Бунақа вазиятда кимга доднингни айтишни билмайсан. Агар бирон ташкилотга арз қилсанг, сен ишхонадаги гапни кўчага олиб чиққан

ҲАҚ БЕРИЛМАЙДИ – ОЛИНАДИ



сотқинга айланасан. Лекин ҳар қандай вазиятда инсон ўз ҳуқуқи учун курашиши керак. Зотан, ҳақ берилмайди – олинади! Айниқса, қонунларни писанд қилмайдиган, меҳнаткашларнинг иш ҳақини туя қиладиган ноинсоф раҳбарларни асло аямаслик лозим.

– Ходимларнинг шикоят-аризаси Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Рустам Холматов томонидан тегишли тартибда назоратга олинди, саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди, – дейди кенгашнинг меҳнат

инспекцияси бошлиғи Асҳад Мусулмонов. – Хусусан, ишчи гуруҳ ҳолатини жойига чиққан ҳолда батафсил ўрганди.

Маълум бўлишича, «ТСТ Agro Cluster» раҳбарияти бу ҳаракати билан меҳнат қонунчилиги ҳамда жамоа шартномасида белгиланган талабларни қўпол равишда бузган. Оқибатда иш ҳақидан қарздорлик 14 миллиард 760 миллион 965 минг 681 сўмга етган.

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши

меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, дастлаб иш берувчига кўрсатма хати киритди. Аммо бундан наф чиқмади. Шундан сўнг иш судга оширилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 135 нафар ходимнинг иш ҳақи тўлиқ тўлаб берилишига эришилди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

ТИЛДАН ЗАҲАР ЭМАС, БОЛ ТОМСА ЭДИ...

Боёвут тумани Олмазор маҳалласидаги 8-мактабнинг бошланғич синф ўқи-
тувчиси Мухайё Абдурахмонова жамоа раҳбари Абдуманноп Йўлдошевнинг
бақир-чақиридан ўзини йўқотиб қўйди. «Бақирманг! Ҳозир ҳаммасини сизга
тушунтириб бераман...», деди бирданига қон босими кўтарилиб кетганини се-
зиб. Аммо директор шаштидан тушмади, аксинча, жаҳл отига тесқари миниб
олиб, устма-уст қамчи урди.

— Менда нима хусуматингиз бор?.. Доно-
лик қилманг! Мактабда фақат менинг айтганим
бўлади! Болалардан йиғиладиган кўшимча
дарс пулининг тенг ярами мактаб жамғармасига
топширилади, қолгани ўқитувчиларга ойлик
сифатида берилади. Овқат учун эса ҳар бир
ўқувчидан 100 минг сўмдан йиғилади... Сиз-
лар қўлингизга пул ушламайсизлар, деб айт-
ганман-ку. Бирор гап эсингизда қолмайди-я!..

— Домла, 300 минг сўм битта оила учун
кўплик қилади. Баъзи ота-оналарнинг 2-3 на-
фардан фарзанди ўқийди. Уларга жабр қил-
майлик! Мен ҳамқишлоқларимнинг моддий
аҳолини сизга нисбатан яхшироқ биламан!
— Одамлар билан ишингиз бўлмасин, улар
бир амаллаб биз айтган пулни тўлашади. —
директорнинг фиғони фалакка чиқди. — Нима
бало, ҳар бир гапни 2-3 мартадан айттайми?
Мен барибир шу тўгаракни очаман...».

Хуллас, жанжал кучайди, гап гапни қув-
лади. Директорнинг руҳий босими ва ва-
жохатли бақир-чақир тўғрисида Мухайё Аб-
дурахмонованинг соғлиги ёмонлашди. У бир
амаллаб ҳовлига чиқди-ю, хушдан кетиб
йиқилди. Вазият жиддийлигини сезган мактаб
ҳамшираси Дилором Ҳасанова «Тез ёрдам» ма-
шинасини чақирди. Мухайё Абдурахмонова 4
кун уйда даволанса ҳам ўзини нохуш сезди,
охири уни даволаниш учун туман шифохона-
сига йўллашди.

Уз ишининг устаси, олий тоифали муал-
лима наҳотки шундай муносабатга лойиқ
қўрилса? Бу аёл кимнинг ярасини тирнаб
қўйди, кимнинг йўлини кесиб ўтди? Бизнингча,
у бошқаларни, жумладан, директорни ҳам ўзи
сингари тушунганди. Таклифларим, фикрлар-
им, баъзи танқидларим — барчаси ўқувчилар-
нинг яхши билим олишига қаратилган, ҳам-
касбларим буни тўғри қабул қилишар деб уй-
лаганди.

Афсуски, Мухайё Абдурахмонованинг ҳолис
фикрлари, интилишлари ўзини анча ташвишга
ғирифтор қилди. Абдуманноп Йўлдошев жа-

моада уни яққалаб қўйди. Ҳамкасблари у бил-
лан мулоқот қилишга ҳатто чўчиб қолишди.
Сабаби, аксарияти директорнинг феъл-атво-
рини жуда яхши биларди. Суддан озги куй-
ган кишилар эса одатда қатиқни ҳам пуфлаб
ичишади. Қолаверса, қишлоқларда ўқитувчи-
нинг иш жойи ҳам, даромад манбаи ҳам мак-
таб! Директордан чўчиб қолган ўқитувчиларга
таъна қилиш, «Оғир дамларда ёнимда турма-
динг», деб хафта бўлишининг фойдаси йўқ.

— Ҳамма айб ўзимда, деб ўйлайман, — дейди
Мухайё Абдурахмонова биз билан суҳбатда.
— Қачон иш юзасидан директорнинг хонасига
кирсам, у креслога ёнбошлаганча, оёқларини
стол устига чалиштириб ўтирганганини кўрадим.
Бу ҳол бир неча бор тақдорланган. Мен унга
«Домла, мактабнинг ўзи тугул, стол-стуллари
ҳам табаррук. Шунинг учун оёқларингизни ту-
шириб ўтирсангиз, яхши бўларди», деганман.
Энди ўйлаб қарасам, бу гапларни бекор айт-
ган эканман. Танбехларим дилига оғир ботган,
мен ундаги кибр ва манманлик туйғуларини
чимчилаб-чимчилаб олган эканман...

Бу мактабда илгари ҳам ўқитувчи-ю дирек-
тор ўртасида баҳс-тортишувлар бўлиб тур-
ган. Спорт зали ёнидаги бир нечта камёб да-
рахт қирқилиб, «Тараққиёт» телеграм гуруҳида
эълон берилган, улар сотилгани ҳақида анча
гап-сўзлар тарқалган. Айрим ўқитувчилар
ҳатто туман экология хизмати идорасига қўн-
ғирок ҳам қилишган. Кунда-кунора мактаб ди-
ректорининг машинасини ювиб юрган қоро-
вуллар эса бундай нохуш ҳолатга парво ҳам
қилишмади. Чунки буйруқ «хўжайин» томо-
нидан берилган. Афруз Қудратов ва Бунёд
Журакулов исм-шарифли икки нафар болани
калтаклагани учун судланган, лекин ҳеч қан-
дай жазо олмаган Абдуманноп Йўлдошев учун
бемаврид кесилган дарахтлар машамасини
тинчитиш қийин иш эмасди.

Давомини суриштирсангиз, директор жа-
ноблари ўқитувчилардан пул йиғиши пухта
ўрганган. Бирор-бир тadbир, йиғилиш ёки уч-



рашув бўлса, ҳар бир ўқитувчига сочқи сочади.
Осмон олис, ер қаттиқ! Қай бир мард ўқитувчи
борки, директорга қарши чиқади?! Шундай
қилса, ё бугун, ё эртага Мухайё Абдурахмоно-
ванинг куни бошига тушади. Ризқ-насибаси,
кун кечириши, оиласининг моддий таъминоти
бутунлай мактабга боғлиқ қайси ўқитувчи раҳ-
барга қарши бора олади?!.

Яна бир муҳим ва ўта аянчли ҳол. Директор
айрим ўқитувчиларга моддий ёрдам кўрсата-
ди-да, 30 фоизини қайтариб олади. Биз у ким-
дан қанча ва қай ҳолатда фоизлар олганини
ҳозирча сир сақлаб тураемиз. Негаки, ҳамма
нарсанинг вақт-соати бор.

Президентимиз мамлакат тараққиётини,
унинг тақдирини биринчи галда илм-маъри-
фат ҳал қиларди, деган. Ниҳоятда тўғри ва
ўридли гап! Илм-маърифатнинг, яъни бу-
лоқнинг бошланиш нуқтаси эса мактаб ҳи-
собланиди. Кўзалари жовдираб турган, илмга
ташна, ўқитувчининг ҳар бир сўзига илҳам ке-
лажак ворисларининг илм даргоҳидан умид-

лари катта. Мактабда, энг аввало, моддий
манфаатдорликдан маънавий манфаатдор-
лики устун қўядиганлар ишлаши шарт. Акс
ҳолда, эзгу орзу-умидларга етишишимиз
жуда қийин кечади.

Шу ўринда ўзим билан бўлган ҳаётий
воқеани айтиб ўтмоқчиман. Бир таниш йигит
ишга киришида кўмаклашимини сўраб, ҳузу-
римга кўп келди. У билан қаерга борсак, дип-
лом сўраб, шаштимиждан туширишарди. Ай-
рим идораларда ойлиги паст бўлгани боис та-
нишим уларда ишлашни хоҳламасди.

Орадан бир неча ой ўтгач, у хонамга озги
қулоғида бўлиб кириб келди.

— Суюнчи беринг, иш тоғдими! — деди шодон
кайфиятда. — Вилоят Болалар уйида бўш ўрин
бор экан. Ташвиши ҳам унчалик кўп эмас. Эр-
талаб мева-чева учун 150 минг сўм нақд пул
беришади. Ҳар куни бозорлик қилиб, 60-70
минг сўм уриб қолсам ҳам, ойига тузуккина
даромад ортираман. Ойлигим эса бутунлай
ёнимга қолади. Сиздан етимхона директорига

телефон қилиб, мени ишга олишини сўрашин-
гизни илтимос қиламан!

Танишимнинг гапи нечоғлиқ тўғри-нотўғри-
лигини билолмадим. Аммо мен танишимга
лом-мим дея олмай, бамисоли гунг бўлиб ўти-
равердим. Шу лаҳзада кўз олдимга ота-она
меҳридан мосуво бўлган болакайлар келди.
Уларнинг умид билан тикилиб турган ни-
гоҳлари ҳаёлимдан ўтди.

Мени Мухайё Абдурахмонованинг изтироб-
лари, кўз ёшлари, адолатни талаб қилишлари
ҳам узоқ ўйлантириб қўйди. Тўғри, мактаб
маъмурияти у руҳий азият чекканини, давола-
ниб чиққанини, ҳозир ҳам соғлиғида жиддий
муаммолар борлигини ҳисобга олиб, 4,6 млн.
сўм миқдорига моддий ёрдам кўрсатди. Бу
билан мактаб директори баҳсни тўхтамоқчи,
зўравонлигини хаспўшламоқчи бўлди.

Вилоятда чиқадиган «Янги Сирдарё» газе-
тасининг жорий йилги 3 февраль сониди «Раҳ-
бар томоғига зўр берса...» сарлавҳали танқид-
дий-тахлилий мақола ёритилди. Шундан сўнг
вилоят ҳалқ таълими бошқармасининг уч на-
фар ходими ва туман халқ таълими бўлими-
нинг матбуот қотиби иштирокида мактабда
жамоа билан йиғилиш ўтказилди. Бироқ унга
директор келмади. Устига-устак, мақолада
келтирилган далиллар чуқур ўрганилиб, Абду-
манноп Йўлдошевнинг фаолиятига ҳолис ва
танқидий баҳо берилмади. Энг ачинарлиси,
Мухайё Абдурахмонованинг таъкидлашича,
бугунги кунда мактаб директори жамоа ора-
сида ва кўча-кўйда «Хўш, унинг қўлидан нима
келди? Ҳеч нима! Бундан кейин ҳам шундай
бўлади!» қабилидаги гапларни айтиб юрган-
миш...

Биз Абдуманноп Йўлдошев билан юқорида
тилга олинган хато-камчиликларни муҳокама
қилаётимиз, ундан «Сизга бирор чора кўрил-
дими?» деб сурадик.

— Ҳа, кўриди! — деди у ҳозиржавоблик бил-
ан. — Менга ҳайфсан беришди. Бироқ уни
очиб ҳам ўқимадим. Бу ҳақдаги ҳужжатни
сизга ҳам кўрсата олмайман, чунки уни уйимга
олиб кетганман...

Мустаҳкам «химоя кўрғони» билан ўралган
бу йигитга чин дилдан насихат қилиш, бизнинг
назаримизда, бефойдадек туюлди...

Алиқул ХОНИМКҲУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



■ НУҚТАИ НАЗАР

Ахлоқ ва ахлоқсизлик, шахс ахлоқи ва ижтимоий ахлоқ...
Булар қандай меъёрларни назарда тутади ва уларнинг инсоният тараққиё-
тида тутган ўрни қандай? Умуман, инсон ва инсоният ёки жамият ахлоқий
тамоиллари ўртасида тафовут борган сари кенгайиб бормаяптими?
Назаримизда, глобаллашув бугун инсоният олдига ана шундай савол-
ларни қўймоқда...

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АХЛОҚ

Биз қай йўлдан кетганимиз маъқул?

Умуман олганда, бугун «опомон диди —
хукмор дидга айланаётган» бир пайтда
инсон тўғриси ва танловини, инсонийлик
ва тубанлик, ахлоқсизлик ва ахлоқ ўртаси-
даги тасаввур сарҳадини тарбиялаш, жа-
миятдаги ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг де-
мократик асосланган миллий тараққиётни
амалга оширишдаги ўрнини белгилаш дол-
зарб вазифага айланаётган.

Маълумки, глобаллашув тўғрисида
«оммавий маданият»нинг кириб келиши, мада-
ний плюрализм ҳам мавжуд ижтимоий-маъна-
вий муҳитга кескин таъсир кўрсатмоқда. Бугун
унинг улкан чангалидан кўтилиб қилиш, кимни-
дир ёки қайси бир воқелини ажратиб олишининг
имкони йўқдек. Турли мамлакатлар, давлатлар
ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий-маъ-
рифий ёки сиёсий алоқа ва муносабатларнинг
амалга ошириш маданиятлар трансформация-
сига ҳам сабаб бўлади.

Биз ҳар қандай янги маънавий-ахлоқий
қадриятларга ҳам салбий қарай олмаймиз.
Азалдан маданиятлар мана шундай интегра-
циялашув асосида тақомиллашиб борган.
Биз демократик тамойилларга асослан-
ган ва эркинлик «меъёрларидан чиқиб кет-
ган» Ғарбдан «оммавий маданият» кириб
келмоқда, деган тушунчаларни тез-тез уч-
ратиб тураемиз. Аммо соғлом ва барқарор
ижтимоий-маънавий муҳитни барпо қилишда
ва жамият аъзоларини юрда фидойи этиб
тарбиялашда жуда кўплаб демократик қа-
дор топган ва ривожланган мамлакатлар ўз
таълим тизимлари кучини йўналтиришарди.
Масалан, Америка давлатида ҳам ватанпар-
варлик ғоялари таълим тизимига синди-
рилди. Айтилганки, машғулотлардан олдин
давлат мадҳиясини ижро этишда қайси бир
ўқувчи ўрнидан турмаса ёки қўлини юраги
устига қўймас, у ўша кунёқ ўқишдан четла-
тилади. Энг муҳими, бу ҳолатда унинг отаси
ёки онаси айоханасо солиб келмайди. Шу-
нингдек, ҳар бир Америка мактаби синфла-
рида миллий байроқ осилган, кўп ҳолларда

унга содиқлик қасами қабул қилинади.
Хитойда эса ватанпарварлик нафақат
юрти, балки шаҳри, провинцияси, оиласи,
ҳатто ўз уйи, шунингдек, хитой тилини сев-
иш ва фахрланиш асосига қўрилган. Ватанпар-
варлик тарбияси Хитой педагогикасининг
асосий вазифаси ҳисобланади ва бу ижтимо-
ий-маънавий муҳит соғломлигининг гарови
саналади. Улар юрт тарихи, миллий байрам-
лар, миллий қадриятларни ўқитиш, мусиқа
дарсида Ватан ҳақидаги қўшиқларни ўрга-
тишни вазифа қилиб олишган.

Аслида, дунё қарама-қаршиликлардан ибор-
ат. Ҳеч бир замон ва маконда муҳит ва унинг
асосини ташкил этувчи ижтимоий муносабат-
лар маънавий-ахлоқий меъёрлар дорисидида
шақлланиши ва амал қилиши мумкин эмас.
Ахлоқ бор жойда ахлоқсизлик, маънавий юк-
сақлик бор жойда тубанлик ҳам бўлиши тайин.
Бу ҳудди нур бор жойда соя бўлиши, нур бўл-
маса, соя ҳам бўлмаслигига ўхшайди.

Агар, ахлоқ мисолида оладиган бўлсак,
ташки ёки ички таъсир, омилларга кўра, қа-
ердир ахлоқсизликнинг кўли балеанд келса, қа-
ердир галаба қозонади. Масалан, бугунги
кунга келиб, 29 та давлатда бир жинслилар
никоҳига қонунан ружсат берилди. Бу биринчи бў-
либ, 2001 йили Нидерландияда, 2003 йилда
Бельгия, 2005 йилда Испанияда қўлга кирди.
Бу давлатларнинг умумий аҳолиси сони бир
миллиарддан ошшини ҳисобга олсак, бун-
дай эркинлик никоҳи остидаги ахлоқ меъёр-
лари бузилиши қанчалик кенгайиб бораётгани,
глобаллашув «шарофати» билан унинг бошқа
давлатларга ҳам таъсири кучаяётгани ижти-
моий-маънавий муҳитга қай даражада хавф
солаётганини тасаввур қилсак бўлади. Энг
ёмони, жамият ахлоқдан чекинган ва ахлоқсиз-
ликнинг ахлоқсизлик муҳитини рад этар экан,
бундай муҳитда қарашлар, сўзларнинг қадри
тушади, ҳатто нафратга дучор бўлади. Бир
сўз билан айтганда, ахлоқ эмас, ахлоқсизлик
қадриятлашади.

Унутмаслик лозимки, бугунги глобал-

лашувга хос бўлган интеграция ва транс-
формация жараёнлари ҳар қандай қадрият-
ларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.
Чунки қадрият — қадриятли ёндашув асо-
сида юзага келади. Қадриятли ёндашув эса
дунёқарашдан озиқланади. Дунёқарашга
албатта глобаллашув ўз таъсирини кўрса-
тади. Бу таъсир натижасида одамларнинг
маънавий-ахлоқий қоидалари меъёри ўз
чегарасини йўқотади. Чунки одамнинг ўзи
дунёга юзланар ва миллий қобилини бузиб
чиқар экан, унинг қадриятлар базасида ҳам
мана шу юзланиш акс этади. Худди шу нар-
сани маънавиятга ҳам таъбиқ этса бўлади.

Бироқ, ахлоқсизлик ўзини намоеён қил-
лар экан, у маълум даражада ахлоқнинг
ҳалқ қадрини, аҳамиятини оширади. Ахлоқ
ахлоқсизликка қарши кескин муносабат-
ларга киришар экан, ўз моҳиятини чуқурроқ
ифода эта бошлайди. Бу муносабатлар-
нинг ҳаммаси ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг
қийёсасида акс этади, уни шақллантиради.
Ахлоқнинг диний омиллари билан муноса-
батларини ҳам унутмаслик лозим. Ҳар қан-
дай жамиятда диний эътиқодда чуқур кетган
диндорни қўриш мумкин. Бу ҳоқиқа инсонни
миллий омиллардан узиб қўйиши мумкин.
Таъкидламоқчимизки, бугунги кун фарзанд-
ларининг ахлоқий баркамоллигини шақллан-
тиришда миллий ва диний омиллари уйғунли-
гини эътиборга олмақ муҳим масала ҳисоб-
ланади. Зеро, ахлоқий тамойиллар инсонда
бололиқдан шақлланади.

Масалан, япон таълим тизимида бирин-
чидан то оптинчи синфга қадар «ахлоқ томон
йўл» дастури асосида дарс ўтилади. Жара-
ёнларда япон болалари ижтимоий-маънавий
муҳит яратувчилари сифатида фақат ахлоқ,
этикет қоидалари, одамлар билан муомалани
ўргатишади. Жанубий Кореяда ҳам шундай,
дарсларда Бадиий тарбияга ҳам устуворлик бе-
рилади, мусиқа, тасвирий санъат дарсларига
кент ўрин ажратилади. Бу — қалб тарбияси де-
гани. Уларда жамиятда устоз деган ном улугла-

ниши алоҳида эътиборга молик. Бу халқда тар-
тиб-интизом қадрият даражасига кўтарилган.
Кўча-кўйи тоза сақлаш, жамоат жойида ўзини
тутиш, навабда туриш, муомала маданияти
каби турли қоидаларнинг юксаклиги шундан
эканни шубҳасиз.

Демак, жамиятдаги муҳит барқарорли-
гини таъминлашда таълим омилини олсак,
биринчидан, таълим-тарбияда уйғунлик яра-
тиш лозим, бунда миллий қадриятларимиз-
дан тарбиянинг миллий асоси сифатида
фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан тарбияга оид фанлар ўқи-
тилишининг ўрта ва олий таълимдаги ўзи-
вийлигини йўлга қўйиш керак.
Учинчидан, жамиятда устоз-муаллим-
ларга нисбатан юксак эҳтиромни шақллан-
тириш чораларини қўриш керак. Бу чора-
лар ичига ўқитувчи малакасини ошириш ҳам,
уларга моддий шароит яратиш, рағбатланти-
риш ҳам, уларнинг ҳуқуқ ва шаънларини ҳи-
моия қилиш масалалари ҳам кириб кетади.

Тўртинчидан, маънавият ва маърифат
марказлари ва уларнинг бўлимлари фао-
лиятини таълим тизими билан уйғунлашти-
риш лозим. Яъни таълим муассасаларида
тарбиявий ишлар бўйича раҳбар ўринбо-
сарлари (уларни ёшлар ишлари бўйича, деб
аташ шарт эмас, чунки уларнинг ёшлар бил-
лан ишлаши ўз-ўзидан аён) фаолияти мар-
казларнинг ҳудудий бўлиmlари билан бирга
мувофиқлаштирилиши лозим.

Нима бўлганда ҳам, миллий илдишлар-
дан узилмаслик ва ижтимоий ахлоқда шахс
ахлоқи ўрнини назардан қочирмаслик жамия-
тимиз тараққиётининг муҳим омиллари-
дан бири эканини унутмаслигимиз лозим.

Шаҳло АҲРОРОВА,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти етакчи
илмий ходими, фалсафа фанлари
бўйича фалсафа доктори

■ «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ»

ЯШИЛЛАНИШ — БАРҚАРОР ЭКОЛОГИК МУҲИТ



Она ер — тирик жон-
зот. У бизни боқадди.
Шу билан бир қа-
торда, парвариши-
мизга муҳтож. Лекин
биз уни гоҳида сув-
дан маҳрум қилдик,
гоҳида турли ўғит-
лар билан таркибини
ўзгартириб юбордик.
Қисқаси, табиатга
фойдамиздан зара-
римиз кўп тегди. Бу-
нинг оқибати бизни
узоқ куттирмади.

Биргина мисол. Орол денгизининг қуриши экологик вазиятни из-
дан чиқариб юборди. Ерда шўрланиш ҳосил бўлди. Қўроқчилик юз
берди. Бу, ўз навбатида, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўр-
сатди. Ваҳоланки, денгиз бир вақтлар дунёда туртинчи ўринда тур-
ган ва сув ҳажми 1 минг 64 куб километрни ташкил этган. Бироқ
охирги 35-40 йил оралиғида унинг сатҳи 20 метргача пасайди. Маъ-
лумотларга кўра, эндиликда йилга 100 миллион тоннагача туз те-
пага кўтарилади ва ҳатто Европа давлатлариғача етиб бораркан.

Аслида экологик муаммо ернинг қайси нуқтасида рўй берма-
син, у умумзамин билан бевосита боғлиқ. Шундай экан, инсо-
ният табиатни асраш, экологик барқарорлиқни таъминлаш учун
астойдил бош қотирмоғи зарур.

Яхшиямки, муаммони бартараф этиш учун ишлар бошлаб
юборилди. Хусусан, бу борада қатор қонун ва қонуноти ҳуж-
жатлари қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда. 1992 йил-
даги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, 2012 йилдаги
«Экологик хавфсизлик тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Президентимиз
2023 йил 31 майдаги «Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли
давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғри-
сида»ги фармони шулар жумласидан.

Бундан ташқари, 2024 йил 19 сентябрь куни Президентимиз
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳаларидаги қатор
таклифларни қўриб чиқди. Шу асосда чанг буронларига қарши
курашиш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш бўйича 2024-2030
йилларга мулжалланган дастур тайёрланди. Унга кўра, «Евро-4»
стандартдан паст тоифадаги ёқилгини сотишни ва ундан фой-
даланишни босқичма-босқич тўхтайтиш назарда тутилмоқда.

Пойтахт атмосферасини яхшилашга қаратилган чора-тадбир-
лар ҳақидаги дастурга биноан эса, келгуси 5 йилда бу шаҳарга
туташ Тошкент виллояти туманларида 441 гектар «яшил бел-
боғ»лар ташкил қилиниши режалаштирилди.

Дарҳақиқат, «яшил боғлар» ташкил қилиш бугун ҳар бир оила,
ҳар бир ташкилот ва муассасалар олдидидаги муҳим вазифа сана-
лади. Жумладан, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси
си масъуллари мазкур йўналишдаги вазифаларга енг шимариб
ёндашмоқда. Бу борада айтишга аризулқий ишларни қилишга ул-
ғурдик ҳам. Масалан, кўпкамда Ўзбекистон касаб ва уюмлари
фаолиятининг 120 йиллиги муносабати билан 240 тул мевали
ҳамда манзарали дарахт қўчатлари ўтказдиқ.

Албатта, бу кунлик, ойлик ёки йиллик иш эмас, балки мамла-
катимизнинг ҳар гунаси боғу роғга айланмагунча кун тартибдан
тушмайдиган долзарб масаладир.

Сирожиiddин ЮСУПОВ,
Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг
ҳўжалик ишлари бўйича проректори

ТАҚДИМОТ

«УНУТИЛГАН АШУЛА»

Янги китоб — муаллифнинг абадиятга қўйган имзосидир. Жамият учун эса янги фикрлар жамланмаси, тафаккур учун озуқа, маънавиятнинг бойиши ва келажак авлодга қолдириладиган бебаҳо мерос. Обид Қўлдошнинг «Унутилган ашула» китоби ҳам шундай хазиналар сафига қўшилди.



Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан «Китобсевар миллат» шiori остида мазкур асар тақдими ўтказилди. Тўпلامдан муаллифнинг 50 дан ортқ ҳикоялари, 100 дан зиёд адабий-фалсафий ўйлари ва ибратли фикрлари жой олган. Муаллиф инсоннинг тафаккур қатламларига чуқур кириб, ички курашлар, барчани абадий қийнайдиган саволларга тўхталади. Ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз, илм олишга интилиш каби улғу фазилатларни самимий туйғулар билан раво ва халқчил услубда ифодалади.

Тадбирда юртимизнинг истеъдодли шоир ва ёзувчилари, таниқли журналистлар сўзга чиқиб, муаллифнинг самарали ижод ва ҳаёт йўли, фазилатлари ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Обид Қўлдош қалами ўткир журналист, маҳоратли драматургдир. Унинг ҳозирга қадар «Ҳаёлимни ўғирлаган қиз», «Моҳиятга сайр», «Чўққиларни қўзлаган олим», «Forgotten song» (инглиз тилида) китоблари ўз ўқувчиларини топиб улғурган. Ҳикоялари турк, озар, қирғиз, инглиз ва рус тилларига таржима қилинган. Ҳозирги замон талаблари асосида қисқа ва лўнда ёзилган ҳикояларида китобхон қалбида акс садо берадиган, кундалик ҳаётнинг оддий, аммо муҳим жиҳатларига теран назар ташлашга ундайдиган яширин маънолар мужассам. Тақдимот талабалар, қатнашчилар ва ижодкорнинг мазмунли суҳбати билан яқунланди. Сўнгра «Қанот» лойиҳаси доирасида Обид Қўлдош ижоди бўйича ўтказилган, республикамизнинг турли ҳудудларидан 160 нафарга яқин киши қатнашган танловнинг ғолиб ва совриндорлари муносиб тақдирландилар.

Диёра РАВШАНОВА «ISHONCH»



Эъзоза УМУРЗОҚОВА «ISHONCH»

ЭЗГУ ТАШАББУС

ФАХРИЙЛАР «ISHONCH» БИЛАН ҚАМНАФАС

Босма нашрлар — даврнинг жонли тарихи. Шу боис бугун кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари матбуотда ёритилаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга доимо қизиқиш билан қарашади.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши жамоаси ана шуларни назарда тутиб, эзгу ташаббус билан чиқди. Аниқроғи, 15 нафар меҳнат фахрийсини «Ishonch» газетасига ўз ҳисобларидан бир йилга обуна қилди.

Нурини улашган бўламиз. — Куним газета-журналлар мутлаасидан бошланади. Чунки ўқиган одамнинг тил бойлиги, тафаккури юксалиб боради, — дейди касаба уюшмаси фахрийси Раҳимжон Арслонов. — Аввало, «Ishonch» орқали касаба уюшмаларининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган салмоқли ишлари билан танишиб бораётган. Қолаверса, газета ўқиш — бу саводхонлик масаласи. Чунки оммавий ахборот воситаларида қатъий қоидага айланган имло талабларига риоя қилиш тартиби бор.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

— Тан олиш керак, газета-журналлар хонадонларга аввалгидай етказиб берилмаяпти, — дейди ташаббускор — касаба уюшмаларининг Наманган вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудри Нозимжон Насинов. — Агар фахрийни газетга обуна қилсак, ўзи ўқийди, қолаверса, фарзандлари, набиралари мутлаа қилишига ҳам имкон яратилади. Оила даврасида мазмунли мақолалар муҳокама қилинади. Бу билан, оз бўлса-да, одамларга маърифат

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Ойбек Ҳамроқулов ижросидаги «ЭЙ, ЙИЛ» қўшиғи

Эй, йил сенинг, Эй, йил сенинг, Салобатингдан, Минг бир турфа талафотингдан, Ой-қунарла маломатингдан, Яшар бўлдим юрагим ёниб, Ерга теккан қурагим ёниб...



Исроил Ғазодаги операцияни кенгайтириш режасини тасдиқлади

Исроилнинг ҳарбий-сиёсий ҳукумати душанба кунини Ғазо секторидagi операцияни кенгайтириш бўйича режани бир овоздан маъқуллади. Бу режа ҳудудларни эгаллаш ва назорат қилиш, тинч аҳолини хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жанубга кўчириш; ҲАМАСни гуманитар ёрдам манбаларидан маҳрум этиш; террористик инфратузилма ва кў-

мондонлик пунктларига оммавий зарбалар бериш. «Бу — ҲАМАС устидан ғалаба қозониш ва асирларимизни қайтариб олиш имконини берадиган реал ва самарали режа», деди маслаҳатчи Бош вазирнинг ҳукумат мажлисида айтган сўзларига таяниб.

Покистон БМТни Кашмир халқига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини беришга чақирди

Покистоннинг Москвадаги элчиси Муҳаммад Халид Жамолийнинг таъкидлашича, Жамму ва Кашмирдаги низони ҳал этишнинг асосий калити минтақа аҳолисига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини беришдир. Дипломатнинг таъкидлашича, ушбу ҳуқуқ халқаро ҳамжамият томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари орқали ваъда қилинган.

Бу орада Ҳиндистон ҳукумати Жамму ва Кашмирнинг Чинаб дарёсидан ўтайдиган Баглихар тўғони орқали Покистонга сув оқимини тўхтади. Бу ҳақда 5 май кунини Hindustan Times нашри давлатга қарашли NHPC Limited компанияси вакилига таяниб хабар берди.

«Биз Баглихардаги гидротехник иншоотдаги шлоэларни ёпдик. Бу жараён шанба кунини бошланган», деган манба сўзларини келтиради нашр. НТ маълумотига кўра, Покистонга етиб бораётган сув оқими 90 фоизга қисқарган. Бу қарор Покистон томонидан Abdali баллистик ракета синови ўтказилган.

Эрон 1 200 км. масофага етадиган янги баллистик ракетани синовдан ўтказди

Эрон Ғhassem Basir номли янги авлоддаги баллистик ракета синовини муваффақиятли ўтказди. У 1 200 километр масофагача етиб бориши мумкин. Бу ҳақда Эрон Ислон Республикаси мудофаа вазири Азиз Носирзода IRIB телеканали эфирда маълум қилди.

Вазирнинг сўзларига кўра, ракета узок масофадан учирилган ва нишонни «юқори аниқликда уриб туширган». Шу билан бирга, унинг радиоэлектрон тўсиқларга нисбатан бардошли экани намойён бўлган. Носирзодининг таъкидлашича, Эрон «салмоқли ракета салоҳиятига эга ва ташқи таъжову ҳолатида ундан «зудлик ва қатъият билан» фойдалана олади.

Трамп Алякатрас қамоқхонасини қайта очишни буюрди

АҚШ президенти Дональд Трамп Сан-Франциско кўрғазида жойлашган машҳур Алякатрас оролидаги қамоқхона фаолиятини тиклаш тўғрисида топшириқ берди. Бу ҳақда у Truth Social ижтимоий тармоғида ёзиб қолдирди.

«Биз энди жиноятчилар ва судьяларнинг лоқайдлигини кечирмаймиз. Қонун ва тартиб тикланади», деб таъкидлади у. Қамоқхонани тиклаш ишлари АҚШ Федерал қамоқхоналар бюросига топширилди. Ушбу жараёнга Адлия вазирлиги, ФБР ва Ички хавфсизлик вазирлиги ҳам жалб этилади. Маълумот учун, Алякатрас 1963 йили юқори эксплуатация харажатлари сабабли ёпилган эди. Реконструкция харажатлари 3-5 миллион доллар атрофида баҳоланмоқда.

Оламгир ОТАЁРОВ таёйрлади

«UZUM TEZKOR» MCHJ XK o'zining Servisi bo'lgan «Uzum Tezkor»ning Foydalanuvchi shartnomasiga kiritilgan o'zgarish va qo'shimchalari haqida foydalanuvchilarni xabardor qiladi. O'zgarishlar haqida havolada tanishib chiqishingiz mumkin: https://uzumtezkor.uz/terms-of-use (rus tilida) https://uzumtezkor.uz/terms-of-use (o'zbek tilida)

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»). Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Salim Abdurahmonov. Musahhihlar: Dilorom Xudoyberganova, Ulmida Xudoyberganova. Sahifalovchi: Hasan Abdullajilov. Boshiga topshirish vaqti - 18:00, Topshirildi - 18:30. Bahosi keltirilgan narxda. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch 1991@yandex.uz. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlari chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 449 ta. Shundan: 6 258 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 276 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-511 1 2 3 4 5 6